

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШНИ ШАКЛАНТИРИШ

Г.Шодмонова, Х.Х.Каримова, ТИМИ

Малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг хар бир боскичи ўзида таълим жараёнини самарали ташкил этиш, уни юкори боскичларга кўтариш, шу билан бирга жаҳон таълими даражасига етказиши борасида муайян вазифаларни амалга ошириши лозим. Истиклоннинг дастлабки йиллариданок Президентимизнинг бевосита ташаббуси ҳамда рахнамолигида таълим тизимига қаратилган юксак эътибори натижасида, бугунги кунда “Таълим тўғрисида”ги конун, “Кадрлар тайёрлаш милий дастури” доирасида хаётга тадбик этилган янгиланишлар ҳалкаро жамоатчилик томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимининг ривожланиши давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Узлуксиз таълимнинг амал қилаётган тизими қасб-хунар ва олий таълим олиш имкониятини яратиш билан бирга малакали ишчиларни ва мутахассисларни тайёрлашта имкон беради.

Жамиятни ахборотлаштиришнинг ҳозирги шароитида мутахассисдан, унга кассий масалаларини самарали ечиш имкониятларини таъминловчи юкори даражадаги ахборот маданияти талаб килинади. Бу олий ўқув юртлари талабаларини, ҳозирги жамиятда яшаш ва меҳнат килишни янгича тушунишини, таълим таркиби тўғрисидаги анъанавий тушунчаларини кайта ўйлани ва фикрлашга мажбур қиласди. Олимларнинг бу муаммоларга багишлиланган қўпилаб ишлари эълон килинган [1-3]. Таълим жараёнининг самарадорлиги одатдаги анъанавий таълим билан таълимнинг янги технологияларини канчалик чукур ва хар томонлама бирга олиб боришига боғлиқлигини, шунинг учун ҳам янги таълим технологияларининг ўқув фаолияти, мустақил таълимга таъсирини изчил ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Талабаларнинг мустақил билим олишларини ривожлантириши фанда янгилик эмас. Биринчидан, мустақил таълим педагогиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, уни шакллантириш таълим беришнинг асосий масалаларидан биридир. Бошқа томондан мустақил таълим олий таълимнинг

мухим дидактик тамойилларидан биридир. Таълим дидактикасининг замони стратегияси талаба мустакил ўқиб, ўрганиш фаолияти жараённида шароитлар яратишдан иборатдир. Ахборотлашган жамиятнинг яратилиши ривожланиши таълимда ахборот коммуникация технологиялари (АКТ)дан кейин фойдаланишини тақозо килади. Ҳар кандай педагогик технология бу ахборот технологиясидир, чунки таълимнинг технологик жараёни асосини ахборот олиш ва уни бошка кўринишга келтириш ётади. Компьютер ишлатиладиган таълим технологиясини компьютер технологияси, деб атаса ҳам бўлади. Таълимнинг компьютер технологияси бу ахборотни тайёрлаш ва ва етказиб жараёни бўлиб, уни амалга оширишнинг воситаси компьютер хисобланади.

Охирги пайтларда умумий ахборот-таълим мажмуниня яратишнинг ривожланаётган муҳити тўғрисида кўплаб ишлар килинайти, у ўз ичига маълумотлар базасининг тақсимоти, виртуал библиотека, электрон ўкув қўлланма ва дарсликлар, мультимедиа синфларини олади. Тармок ахборот технологиялари эса, электрон почта, телеконференциялар, мультимедиалий проектлар, интерактив видео синфлардан ташкил топган бўлиб, булар ахборотлашган муҳитнинг асосини ташкил килади. Ҳозирги вактда олий ўкув юртларини ягона тармоқка бирлаштирадиган www.edu.uz, www.markaz.uz веб сайatlари ишлаб турибди. Бундан ташқари олий ўкув юртларининг ўкув қўлланма ва маъруза матнлари “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғининг ресурслари яратилган.

АКТнинг муваффакият билан амалга ошаётганлигини Интернет – глобал компьютер тармоғи мисолида ҳам кўрса бўлади. У фан, таълим, алоқа, оммавий ахборот воситалари, реклама, савдо ҳамда инсониятнинг бошка соҳаларида тезлик билан қўлланила бошланди. Интернетни таълимга жорий килишнинг биринчи кадамларидан бошлабоқ, уни ривожлантиришнинг имкониятлари жуда катта эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга таълим муассасаларининг тармоқдан биргаликда фойдаланишда вужудга келадиган кийинчиликларини ҳам келтириб чиқарди. Бу, катта ҳажмдаги техник, дастурий, шу билан бирга

ташкилий-услубий кўлланмалар, янги ўкув кўлланмалари ва дарсликларни яратиш билан боғлиқдир.

АКТдан фойдаланишдаги кийинчилик нафакат методик базанинг йўклигидан, балки таълим учун АКТ ларни ишлаб чиқиш методологияси бўлиб, бу педагоглардан амалиётда бу соҳада ўз тажрибасига таянишни ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни тақозо килади.

Хозирги замон олий таълими дидактикаси стратегияси мустакил таълим олиш жараёнида дидактик шароитлар яратилишининг зарурлигини келтириб чиқаради. Бу уларнинг билим олишларини ривожлантариш билан шартланади. Чунки битиругчиларнинг мустакил билим олиш даражаси канчалик юкори бўлса, улар ўз қасбининг шу даражадаги усталари, демак, меҳнат бозорида ракобатбардош мутахассислар, демакдир. АКТ таълим жараёнига ва таълим олувчини тарбиялашга тезлик билан таъсир килади, яъни билим бериш ва таълим усулини ўзгартиради. Шу билан бирга таълим тизимида АКТнинг кўлланилиши нафакат таълим технологиясига таъсир кўрсатади, балки бу соҳага янгиликларни киритади. Булар ахборот ва алоқадан фойдаланиш имкониятларини кескин кенгайтиради. Электрон почта, электрон кутубхоналар, сайтлар таълим тизими учун чексиз имкониятлар беради, дунёнинг хар кандай нуктасидан ўкув ва илмий ахборотларни олиш имконини яратади.

Литература

1. Каримов И.А.Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Андриянова В.И. ХХI век – век интеллектуального образования и воспитания: Сборник научно-методических статей / Под общ. ред. д.п.н., проф. Р.Х.Джураева; отв. ред. д.п.н., проф. В.И.Андриянова. – Ташкент: УзНИИПН, 2004.
3. Безбородов Ю.Г. Информационно-образовательные системы – основа формирования телекоммуникационной грамотности и интеллектуальных умений студентов. – Ташкент: УзНИИПН, 2004.